Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 20 сентябрь 1974 йил, жума • № 220 (16000). Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йил

ИШЧИЛАР СИНФИ — СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ ва мазлум чекка ўлкалар кенг юксалиш йўлига чиқиб олганлиги социализмнинг мамлакатимиздаги буюк ғалабаларидан бири бўлди. Улуғ Октябрь революцияси туфайли Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси индустрияси ҳам 50 йил мобайнида мислсиз ривожланди. Газетанинг ички саҳифаларида Ўзбекистон ишчилар синфининг Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Омманинг ижтимоий онглилигини ўстириш, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ҳамиша Коммунистик партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлди ва шундай бўлиб қолаверади. КПСС XXIV съездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги бир қанча қарорлари мана шу вазифалар руҳи билан суғорилган бўлиб, мазкур қарорларда революцион назарияни пропаганда қилишни янада яхшилаш, бутун идеология ишини такомиллаштиришнинг конкрет йўллари белгилаб берилган. «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисида» партия Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган қарори шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланиш жараёни тезлашиб ва миқёси кенгайган, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи халқаро майдонда қарор топиши билан бир қаторда икки хил дунёқараш ўртасида кураш кенгайиб ва мураккаблашиб бораётган ҳозирги даврда идеология ишларига нисбатан янги, янада юксак талаблар қўйилмоқда. Энг муҳим вазифа — идеология ишининг ғоявий савиясини ва таъсирчанлигини тинмай оширишни, унинг ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашни таъминлашдан иборатдир.

Ғоявий таъсирнинг самарадорлиги аввало меҳнаткашларнинг кундалик сарфлаётган куч-ғайратининг амалий натижаларида намоён бўлади. Ҳатто энг илғор идеология ҳам оммани кенг жалб этиб, уларни актив ҳаракатга ўйлаган тақдирдагина реал куч бўлиб қолади. Мана шунинг учун ҳам партиянинг иқтисодий ва социал сиёсати унинг омма орасида масъулият ҳиссини кучайтиришга, ташаббускорлик, ишчанлик, социалистик уддабуронликни ривожлантиришга, кишиларни онгли интизом ва камчиликларга муросасизлик руҳида тарбиялашга қаратилган ғоявий-тарбиявий ишлари билан чамбарчас боғлангандир. Урток Л. И. Брежнев Олмаотада сўзлаган нутқида коммунистик онглилик ва коммунистик характернинг шу хусусиятлари тўғрисида гапириб, бу хусусиятлар «катта моддий кучга эга эканлигини, улуғ Ватанимизнинг ўсиб бораётган қудрати ва бойлигида, совет халқи фаровонлигининг ўсишида, Ватанимиз мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланишида мужассамланаётганлиги»ни уқтириб ўтган эди.

Идеология ишининг таъсирчанлиги тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақада, ватанпарварлик ташаббусларида, новаторлар ва илғор коллективларнинг шонли муваффақиятларида алоҳида куч билан намоён бўлмоқда. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, партия ташкилотлари сиёсий маорифнинг ҳамма формаларидан, ғоявий тарбия ва марксизм-ленинизмни пропаганда қилишнинг бутун системасидан кишиларни амалий вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш учун тўғри фойдалана билган жойларда иш муваффақиятли бормоқда.

Магнитогорск металлургия комбинати, Ленинграддаги «Светлана» бирлашмаси, «Башнефтхимзаводи» бирлашмаси корхоналари коммунистларининг тажрибаси ибратлидир. Улар ғоявий-сиёсий ишда асосий эътиборни ишчилар ва мутахассисларнинг ижтимоий активлигини ҳамма чоралар билан кучайтиришга, ҳар бир кишини ишга онгли, ижодий ёндашиш руҳида тарбиялашга қаратдилар. Бу эса ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришишни таъминлади, энг йирик меҳнат коллективларининг беш йилликнинг олдинги марраларига чиқиб олишига имкон берди.

Шу билан бирга баъзи жойларда идеология иши кўпинча ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларидан ажратилган ҳолда олиб борилаётганлиги учун ҳам етарли даражада самара бермаётир. Лекция пропагандасида, снёсий ўқиш, иқтисодий таълим тўгараклари ва мактабларининг машғулотларида практика билан боғланиш ўрнига кўпинча воқелик чуқур анализ қилинмаган умумий информациялар, ахборотлардангина иборат бўлиб қолаверади. Баъзи партия ташкилотлари барча коллективларнинг янги кишини тарбияловчи, меҳнатга, жамоат мулкига коммунистик муносабатни барқарор қилувчи ҳақиқий марказ бўлиб қолиши учун етарли даражада курашмаётирлар.

Ғоявий-тарбиявий ишда муваффақиятларга эришиш пропагандистларга, уларнинг кишилар онглилиги ва уюшқоқлигини ошириш воситаси билан ишлаб чиқариш ҳаётига таъсир кўрсата олишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Москвадаги Владимир Ильич номли электромеханика заводида «пропагандистнинг билими, ғоявий эътиқоди, ташкилотчилик қобилияти беш йилликка хизмат қилсин!» деган шиор илгари сурилди. Бу шиор кўпгина партия ташкилотларининг жанговар шиори бўлиб қолди. 1974 йилги муқобил планларнинг тингловчилар томонидан бажарилиши учун ўзларини жавобгар деб ҳисоблаган Иваново мовут комбинати пропагандистларининг ташаббуси кенг миқёсда оммалаштиришга муносиб ташаббусдир.

Партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди белгилаб берган социал-иқтисодий программани муваффақиятли амалга ошириш учун курашда идеология кадрларининг ролини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари лозим. Партиянинг ички ва ташқи сиёсатига доир, экономика ва маданиятни, ижтимоий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим масалалари тўғрисида партия комитетлари ва давлат органларининг фаолияти тўғрисида уларни мунтазам равишда хабардор қилиб туриш катта аҳамиятга эгадир. Кейинги вақтларда Москва, Вильнюс, Кишинёв, Харьковда ва бошқа шаҳарларда министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида халқ хўжалиги турли тармоқларининг туб проблемаларига бағишлаб пропагандистлар семинарларини ўтказганликлари яхши иш бўлди.

Пропагандамизнинг, барча тарбиявий чораларимизнинг самарадорлигини тинмай оширишни таъминлаш учун бу ишларнинг реал натижаларини доимо анализ қилиб туриш керак. Масалан, Белоруссияда социал жараёнлар ва жамоатчилик фикри, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва сиёсий активлигини ошириш йуллари илмий тадқиқ қилиб турилади. Бунинг учун партия комитетлари ҳузурида қўйидан олинаётган ахборотларни умумлаштирувчи, ўзининг хулосалари ва тавсияларини бошлангич ташкилотларга юбориб турувчи махсус группалар тузилган. Социологик тадқиқотлар ғоявий-тарбиявий ишларни ижобий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир.

Партия идеология ишини коммунизм қурилишининг, халқаро империализмга ва реакцияга, оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашнинг олдинги марраси деб қарайди. Бу иш қанчалик ғоявий, сермазмун ва юксак самарали бўлса, жамиятимизнинг социал-сиёсий бирлиги шу қадар мустаҳкам, унинг коммунизм сари ғолибона юриши шу қадар илдам бўлаверади.

(«Правда» газетасининг 19 сентябрдаги бош мақоласи).

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ — ВАГОН РЕМОНТ ЗАВОДИ ҒИЛДИРАК ЦЕХИ СЛЕСАРЛАРИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАСИНИНГ БОШЛИҒИ В. СИРОТИНГА, БРИГАДА ИШЧИЛАРИ И. ГРЕБЕНЮК, Н. ЗУБРЕВ, Ғ. ФОЗИЛОВ, У. ҲУСАНБОЕВ, С. СИВОВ, С. СИРОТИН ЎРТОҚЛАРГА

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларни меҳнатда эришилган катта ғалаба—тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлигингиз билан қизғин табриклайдилар.

Кўпмиллатли бригадангизнинг шавкатли меҳнати КПСС XXIV съезди тарихий қарорлари амалга оширилаётганлигини, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг донишмандлигини кўрсатувчи, заводингиз коллективнинг шонли традициялари давом этаётганлиги ва кўпаяётганлигини исбот этувчи яққол далилдир.

Сизнинг коллективингиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, меҳнатнинг илғор методларини қўлланиб ва кўп касбларни эгаллаб беш йиллик топшириқни мажбуриятда белгиланган муддатидан икки ой илгари, 1974 йил 29 августда бажарди, 62 мингдан кўпроқ подшипникни ремонт қилиб берди. Бу эса завод коллективига локомотивлар ҳамда вагонларни бир меъёрда ремонт қилиб туришга, унинг ҳаржини анча камайтиришга имкон берди.

Сизлар эришилган натижалар билан кифояланмай беш йиллиннинг охиригача яна 20 минг дона подшипникни ремонт қилиб бериш тўғрисида янги мажбурият олдингиз.

Сизнинг илғор тажрибангиз ва маҳоратингиз, шахсий мажбуриятларингизни бажариш йўлида юксак онглилик ва масъулият ҳиссини кўрсатганлигингиз меҳнат ва моддий резервлар ғоят улкан ва хилма-хил эканлигидан равшан далолат бермоқда. Мана шу резервларни ишга солиш — КПСС XXIV съезди белгилаб берган топшириқларни муваффақиятли бажариш демакдир.

Азиз ўртоқлар, социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши йўлида қабул қилган янги мажбуриятларни бажариш соҳасидаги меҳнатингизда сизларга янги муваффақиятлар, катта бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ — ВАГОН РЕМОНТ ЗАВОДИ ПОДШИПНИКЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАСИНИНГ РАПОРТИ

Бизлар, Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи подшипникларни ремонт қилувчи слесарлар бригадасининг аъзолари А. Девятова, Л. Казанцева, Е. Губиналарнинг ташаббусини кувватлаб ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, ўз зиммамизга республика ва Ўзбекистон Компартияси юбилейи шарафига беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришдан иборат юксак мажбурият олган эдик.

Бугун биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шуни қувонч билан маълум қила оламизки, подшипникларни ремонт қилиш юзасидан беш йиллик топшириқни муддатидан илгари — шу йил 29 августда бажардик.

Бизнинг бригадамиз тўққизинчи беш йилликда 60 минг подшипникни ремонт қилиб бериш тўғрисида топшириқ олган эди. Биз ўз имкониятларимиз ва резервларимизни аниқлаб, бригадада меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, материал сарфини камайтириш ва бир неча касбларни эгаллаш, ёрдамчи ишларга сарфланадиган вақтни камайтириш, материалларни тежаш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 3 йилу 8 ойичида беш йиллик топшириғига қараганда 2.137 дона кўп—жами 62.137 дона подшипникни ремонтдан чиқардик. Бутун коллективнинг меҳнатда кўрсатган ғайрат-шижоатига қўшган камтарин ҳиссамиз тепловозлар ҳамда вагонларни ремонт қилиш планини ошириб бажаришга имкон берди.

Заводимизнинг революцион традицияларини кўпайтира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, бизнинг бригадамиз тўққизинчи беш йиллик охиригача қўшимча равишда 20 минг подшипникни ремонт қилиш мажбуриятини олди.

Биз мана шу янги мажбуриятларимизни шараф билан адо этамиз деб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советини ишонтирамиз.

Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи
В. СИРОТИН.
бригада аъзолари:
И. ГРЕБЕНЮК, Н. ЗУБРЕВ, Ғ. ФОЗИЛОВ, У. ҲУСАНБОЕВ, С. СИВОВ, С. СИРОТИН.

Суратда: Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи ғилдирак цехининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари (чапдан) С. Сиротин, В. Сиротин (бригадир), Н. Зубрев, И. Гребенюк, С. Сивов ва У. Ҳусанбоев ўртоқлар. Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳамда меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишда шахсан ижодий ҳисса қўшганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи коммунистик меҳнат бригадаси ишчиларидан бригада бошлиғи Василий Григорьевич **Сиротин** ҳамда бригада слесарлари Иван Тимофеевич **Гребенюк**, Николай Федорович **Зубрев**, Ғулом **Фозилов**, Сергей Васильевич **Сивов**, Сергей Васильевич **Сиротин** ва Ўринбой **Ҳусанбоев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

5.000.000

ПАХТА ШТАБИ
ТЕЛЕФОНЛАР: 337343·337604

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

Сурхондарё область Шеробод районидаги Будённий номли совхоз механик-ҳайдовчиси **Жиянқул РУСТАМОВ** шу кунгача 500 тонна «оқ олтин» терди. У ҳар куни агрегати бункеридан 25 тоннага етказиб пахта тўкмоқда.

Шу райондаги Қосим Раҳимов номли совхоз механик-ҳайдовчилари:

Жўра **МАМАДАЛИЕВ** — 225 ТОННА

Чори **ЭРГАШЕВ** — 200 ТОННА

Эшмўмин **ШОИНАЗАРОВ** — 178 ТОННА

Хурсанд **ҚАЮМОВ** — 178 ТОННА

Яхшибой **ҚАРШИЕВ** — 145 ТОННА

Иброҳим **ХЎЖАМҚУЛОВ** — 135 ТОННА

«оқ олтин» тердилар.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида дефолиациянинг бориши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида); тўртинчи стун — планнинг бажарилиш процанти.

Тошкент	8588	198922	176,0
Жиззах	8970	159008	138,3
Сирдарё	11291	138480	117,4
ҚҚАССР	5567	108785	98,9
Хоразм	5939	52877	77,8
Андижон	10470	90854	75,7
Сурхондарё	4784	72471	72,5
Бухоро	10512	70681	64,3
Наманган	9790	68733	64,2
Самарқанд	11884	74993	53,6
Қашқадарё	6623	36638	39,0
Фарғона	5796	26926	21,5
Республика бўйича:	100214	1099368	83,3

5 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	2,39	31,00	0,08	0,11
Қашқадарё	2,37	29,35	0,55	1,74
Сурхондарё	2,30	27,39	1,90	11,91
Фарғона	1,98	21,29	0,03	0,05
Бухоро	1,87	18,03	0,18	0,34
Наманган	2,00	14,52	0,71	1,21
Хоразм	1,64	9,16	0,16	0,25
ҚҚАССР	1,51	6,50	0,97	1,58
Тошкент	1,21	5,50	0,74	1,33
Жиззах	0,49	3,52	0,21	0,50
Сирдарё	0,42	3,21	0,18	0,27
Самарқанд	0,56	2,83	0,07	0,12
Республика бўйича:	1,65	15,61	0,48	1,61
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	2,57	23,77		
Сурхондарё	1,48	22,18		
Қашқадарё	0,50	3,86		
Бухоро	0,17	0,85		
Республика бўйича:	1,19	16,69		

ДОН — ДАВЛАТГА

Республика областларида дон тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобида); учинчи стун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

Бухоро	19970	105,1
Самарқанд	47404	79,0
Қашқадарё	58920	73,6
Андижон	21151	68,2
Фарғона	16274	65,1
Сурхондарё	20179	50,4
Тошкент	35470	49,9
Жиззах	39113	41,2
Наманган	12799	36,6
Сирдарё	13065	31,1
ҚҚ АССР	1051	1,0
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	285396	45,7

БРИГАДАЛАР РАПОРТИ

Шофиркон районидаги Ильич номли колхознинг А. Темиров бошлиқ бригадаси 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 18 центнердан пахта хирмони кўтариб, йиллик плани бажарди. Бригада аъзолари яна бир йиллик план миқдорида пахта тайёрлаш учун кураш бошлади. Шу колхознинг Э. Наврўзов бригадаси эрта-индин ғалаба рапортига имзо чекади.

Қоракўл районидаги «Москва» колхозининг Б. Аҳмедов бригадаси биринчи бўлиб маррага етиб келди. Бригадада ялпи ҳосилнинг 95 процанти машиналарда терив олинди. Р. Имомов, М. Яхшиев каби механизаторлар кунига 8-10 тоннадан пахта теряпти.

Ш. Қўлдошев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан салкам 20 центнердан ҳосил олиб Қизилтепа районида биринчи бўлиб рапорт берди. Улар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Бухоро областининг деярли ҳамма районларида йиллик пахта тайёрлаш планларини муддатидан илгари адо этган бригадалар сони кун сайин кўпаймоқда.

Т. НАЗИРОВ.

ЎТТИЗ ЎРНИГА ҚИРҚ

Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг директори З. Сатторов кеча пахта штабига телефон қилиб, қуйидаги хушхабарни маълум қилди.

— Совхозимиз пахтакорлари юбилей йили йиғим-теримини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Шу кунгача теримчиларимиз терган «оқ олтин»ни пешма-пеш давлат тайёрлов пунктига жўнатаётган эдик. Кечаги кун яна қизғин иш бошланди. Совхозимиз бўйича кўзда тутилган ўттизта ўрнига қирқта терим машинасини ишга туширдик.

Қирқ терим машинасини саксон механик-ҳайдовчи сменалаб бошқарди. Бу ҳам иш унумининг ортишига олиб келди. Кечқурун бир кунлик ишга якун ясадик. Йиғирмата сменадош механизатор кунлик нормани бир ярим баравар ошириб бажаргани қайд этилди. Эртага яна ўнта терим машинаси ишга туширилади.

Бу йил пахта йиғим-теримини 25 иш кунида тугаллаш, она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп пахта етказиб бериш ҳақидаги мажбуриятимизни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин тўйигача бажариш учун курашни қизитмоқдамиз.

АҲМАДЖОН ВАЛИЕВ ТЕРИМГА ТУШДИ

ПАХТАКОР, **(«Совет Ўзбекистони» махсус муҳбирларидан телефон орқали олинди).** Республикамизга донг таратган механизатор — Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Аҳмаджон Валиев кеча машина теримига тушди. У биринчи кунидёқ кунлик графикни 150 процентга етказиб адо этди. Терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Аҳмаджон Валиев бу йил икки қаторли машинада 500 тонна пахта териш, ўзи бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадада ҳосилдорликни гектар бошига 55 центнерга етказишга аҳд қилган.

Совхознинг Исматилла Набираев раҳбарлик қилаётган ва бошқа пахтачилик бригадаларида ҳам машина терими бошлаб юборилди.

ВОРОНЕЖ ОБЛАСТЬ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ДАВЛАТГА ДОН СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Воронеж области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, дон экинларидан яхши ҳосил етиштирдилар, ғаллани ўриб-йиғиб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга дон сотиш мажбуриятини бажардилар. Областнинг колхозлари ва совхозлари ғалла қабул қилиш пунктларига 1 миллион 600 минг тонна дон топширдилар. Буғдой, жавдар, арпа ва дуккакли дон экинлари ҳосилини тайёрлаш плани ошириб бажарилди, ёрма экинлар ва маккажўхори сотиш плани тўла бажарилмай қолди. Давлатга ғалла сотиш давом этмоқда. Ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва ташишда саноат корхоналари, транспорт ва тайёрлаш ташкилотларининг коллективлари областдаги колхозлар ва совхозларга катта ёрдам бердилар. Ҳозирги вақтда партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари барча ташкилотчилик ва сиёсий ишларини дала ишларини тез орада тугаллашга, мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш юзасидан 1974 йилги ва умуман беш йилликда олинган социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажаришга қаратмоқдалар.

Ишчилар синфи—социалистик Ўзбекистоннинг суянган тоғидир, коммунистик қурилишда партия йўлини актив ўтказувчи кучдир, колхозчи-деҳқонларнинг ишончли иттифоқчиси ва таянчидир. Ўзбекистоннинг илғор ишчилари орасида турли миллатларнинг вакиллари бор. Бу илғор ишчиларнинг муваффақиятлари бутун мамлакатга маълум.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЧАРОҒОН ЎЛКА

В. И. Ленининг буюк ГОЭЛРО плани бўйича Тошкентда 1926 йил май ойида қуриб ишга туширилган Бўзсув электр станциясининг қуввати бор-йўғи 2 минг киловатт эди. Биз қураётган станцияларнинг қуввати миллионлаб киловатт билан ўлчанади. 1913 йили Туркистонда аҳоли жон бошига бир киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир Ўзбекистонда ҳар бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган электр энергия 2 минг киловатт-соатга етди.

Тўққизинчи беш йиллик энергетикамиз тараққиётида ўзига хос босқич бўлди. Янги-янги электр станциялар ишга тушди. Тошкент ГРЭСининг 12-агрегати ҳам ягона энергетика системасига уланди. Қуввати лойиҳада кўрсатилган 1 миллион 920 минг киловаттга етди. Сўнгги тўрт йил ичида республикамиз энергетиклари қўлга киритган қувончли ютуқлардан бири — Ўзбекистондаги барча районларнинг тўла электрлаштирилиши бўлди.

Агар саккизинчи беш йилликнинг охирида республикамизда аҳоли жон бошига 1514 киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, шу беш йилликнинг охирига бориб 2310 киловатт-соатга етади. Ана шу вазифани шараф билан адо этиш йўлида қилган буюк ишларимиздан бири — Осиё қитъасида энг йирик ҳисобланган Сирдарё ГРЭСининг дастлабки агрегатларини ишга туширишдир бўлди.

Улкан корхонанинг бош корпуси пойдеворига доҳий Ленининг 100 йиллиги нишонланган ажойиб кун — 1970 йилнинг апрелида дастлабки куб метр бетон ётқизилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг станция қурилиши ҳақида қабул қилган қарорига кўра, нурхонанинг бош корпуси, буғ қозони, мазут хўжалиги ва 300 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи блоки белгиланган муддатда ишга туширилди. Орадан бир йил ўтиб, Давлат қабул комиссияси иккинчи блокни ҳам фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги актни имзолади. Бу энергоблок ҳам 300 минг киловатт қувватга эга бўлиб, ҳозир Ўрта Осиё бирлашган энергетика системаси тармоқларига электр энергия бериб турибди. У шу кунгача халқ хўжалигимизга 2 миллиард киловатт-соатга яқин электр энергия етказиб берди.

Нурхона қурилишида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этяпти. Кўп сонли шижоаткор қурувчилар юбилей йили вахтасида меҳнат қилишмоқда. Улар беш йилликнинг охирига қадар қолган иккита энергоблокни ҳам барвақт ишга тушириш ниятидалар. Учинчи блок эса шу йил — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин тўйи шарафига ишга туширилади ва пландан ташқари 400 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади.

Қурилиш учун керак бўлган машина ва ускуналарни Иттифоқимиз корхоналари етказиб бармоқда. Таганрогдан қозон, Ленинграддан турбиналар, Тольяттидан генераторлар узлуксиз келиб турибди. «Ўзбекгидроэнергострой» тресті қурувчилари билан олмаоталик монтажчилар, новосибирсклик электрчилар, москвалик мутахассислар, Киев, Ленинград ва бошқа кўпгина шаҳарлардан келган нурчилар елкама-елка туриб тер тўкишмоқда. ГРЭСнинг СССР 50 йиллиги номи билан аталиш боиси ҳам шу.

Нурхона ёнида исми жисмига монанд — Ширин деб номланган энергетиклар шаҳарчаси қад кўтаряпти.

Энергетикамиз тараққиётининг йўли ойдин. Чароғон ўлкамиз энергетиклари мавжуд ресурсларни ўзлаштира бориб, уни халқ хўжалигини жадал ривожлантиришга хизмат қилдириш вазифасини муваффақиятли адо этмоқдалар.

В. БОЖКО,
СССР 50 йиллиги номидаги Сирдарё ГРЭСи директори.

ИШЧИЛАР СИНФИ —

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йил

САНОАТИМИЗНИНГ ЮЗ ТАРМОҒИ

В. А. ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҳорижий Шарқ кўз ўнгида бутун борлиғи билан машъал бўлиб порламоқда. Ўзбекистоннинг 50 йил ичида босиб ўтган ибратли йўли, қолоқлик ва мазлумликдан холос бўлиш тарихи қўшни капиталистик мамлакатларнинг эзилган халқлари учун ҳайратланарли ва ажиб ибрат.

Ҳозирги Ўзбекистонни революциядан аввалги Туркистон билан қиёслаш, босиб ўтилган 50 йиллик тарихни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Совет ҳокимияти йилларида республикамиз иқтисодий ривожланишда беқиёс юксалишга эришди, гуллаб-яшнади, ижтимоий ишлаб чиқаришни индустрлаштиришда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ютуқларни қўлга киритди. Бу, жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати ленинча миллий сиёсатининг Ўзбекистондаги тантанасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда таъкидлаганидек, саноатнинг юздан кўпрок тармоғи, шу жумладан машинасозлик, кончилик, металлургия, газ, нефть, кўмир казиб чиқариш, химия, радиотехника, электротехника, ип газлама ва шойи газламалар ишлаб чиқариш, бунинг устига яна олтин чиқариш сингари тармоқлар ҳозирги Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасини кўрсатиб турибди.

Республика ишчилар синфининг катта отряди ўсиб вояга етди. Ўзбекистон ишчилар синфининг бешигини тебратган дастлабки малакали маҳаллий ишчилар улуғ рус халқининг устозлигидан баҳраманд бўлиб. Урал ва бошқа саноат марказларида касб ўргандилар, пўлат эритишнинг ҳаддини олдилар, мураккаб машиналар яратишни эгалладилар. Мамлакатимизнинг марказий районлари, қардош республикалардан юборилган малакали ишчилар республикамизда қудратли индустрияни вужудга келтиришда оғаларча бегараз ёрдам кўрсатдилар. Партия ва ҳукуматимиз республика халқ хўжалигини, жумладан саноатни ривожлантиришга йилдан-йилга кўп маблағ ажратди, амалий кўмаклашиб келмоқда.

Натижада республика ижтимоий ишлаб чиқариш структурасида катта ўзгаришлар бўлди, саноат тармоқларини ривожлантириш соҳасида беқиёс муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон саноатининг революциягача бўлган структураси иқтисодий жиҳатдан ночор ўлка манзарасини акс эттирарди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини эса дастлабки ишлайдиган оддий ускуналар билан жиҳозланган пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати 1913 йилда барча саноат маҳсулотининг 86 процентдан кўпроғини берарди. Кўнчилик, тўқимачилик, пиллакашлик, пойафзал ва саноатнинг бўлак тармоқлари капиталистик мануфактура ихтиёрида бўлиб, майда ҳунармандчиликка асосланган эди.

Россиянинг чекка ўлкаси — Туркистонда Октябрь революцияси галаба қозонгач, янги социал-иқтисодий муносабатлар қарор топди ва ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши учун муносиб замин яратилди. Дастлаб иқтисодий ночорликни бартараф қилиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, бу ерда пахтачиликни юксалтириш ва шу билан боғлиқ пахта тозалаш ҳамда ёғ-мой, маҳаллий тўқимачилик индустриясини, пахтачилик ва ирригация қурилишлари эҳтиёжлари учун машиналар ишлаб чиқарувчи саноатни, минерал-ўғит ишлаб чиқаришни юксалтиришга киришилди.

Эски корхоналарни реконструкция қилиш асосида Бухорода ва бошқа шаҳарларда йирик корхоналар тикланди. Саноат объектларини қуриш кучайтириб юборилди. Энергия танқислиги туфайли гидравлик ва иссиқлик электр станциялари қурила бошланди. 1923 йили Фарғона электр станцияси ишга тушди. ГОЭЛРО плани асосида Бўзсув ГЭСи энергия бера бошлади. Кейинроқ бошқа энергетика иншоотлари қурилиши тағин ҳам кучайтириб юборилди. Биринчи беш йиллик мобайнида Совет Иттифоқида саноатга капитал маблағ сарфлаш 2,7 баравар кўпайган бўлса, Ўзбекистонда шу мақсадлар учун сарфланган капитал маблағ 3,8 марта ортди.

ЎЗБЕКИСТОН индустрияси таркибида оғир саноатнинг ҳиссаси ортиб бораверди. Саноатнинг бу тармоғи пахтачиликни механизациялаш мақсадларини кўзлаб тобора ривожлантирилди. Ўзбекистоннинг оғир саноат маҳсулотларига бўлган бошқа эҳтиёжлари мамлакатнинг марказий районлари ва иттифоқдош республикалар томонидан қондириб турилди. Улуғ Ватан урушигача бўлган даврда Ўзбекистон Совет Иттифоқининг илғор иқтисодий районлари қаторидан ўрин олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистондаги кўпгина йирик корхоналар ҳарбий изга тушди. Бу даврда республика саноати янги социал-сиёсий ва хўжалик вазифаларини муваффақият билан ҳал этди: Ватанимиз мудофаа қобилиятини ошириш учун мамлакат марказий районларидан 90 та завод ва фабрика Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Улар асосида 50 тага яқин йирик саноат корхонаси ташкил қилинди. Республикада саноатнинг авиация, моторсозлик, станоксозлик сингари тармоқлари ривожлана бошлади. Янгидан кўмир, қора металлургия, қанд саноати юзага келди. Энергетика, рангли металлургия, нефть казиб чиқариш ва уни қайта ишлаш саноати камолот йўлига кирди. Чирчиқ электр химия комбинати, Бекобод металлургия заводи, «Полвонтош», «Оламушук» нефть конлари каби катта саноат объектлари маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Йирик табиий газ конлари очилди, Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ газ қувурлари бунёд этилди. Тошкент, Навоий, Тахиатош, Оҳангарон ГРЭСлари энергетикада пахлавон корхоналар бўлиб қолди. Ўрта Осиё ягона энергетика системаси вужудга келтирилди. Химия саноати катта одимлар ташлади. Рангли металлургия хом ашё базасида саноатнинг бу тармоғи структурасида муҳим сифат ўзгаришлари юз берди. Қалмоққир кони, Олтинтопган комбинатида мис саралаш фабрикаси маҳсулот бера бошлади. Мурунтов олтин кони ишга туширилиши билан республика рангли металлургиясининг довруғи яна ҳам ортиб кетди.

Пахтачиликни механизациялаштиришга асосланган саноат тармоғи республикада кенг қулоч ёйиб бормоқда. Фан-техника ютуқлари дадил жорий этилиши туфайли саноат ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда. Шуни таъкидлаш керакки, республика саноати Ўзбекистоннинг тез юксалиб бораётган экономикасида муҳим роль ўйнамоқда. Бугунги кунда республика саноати Ўзбекистон халқ хўжалиги бераётган умумий маҳсулотнинг 55 процентдан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Республикамиз пахта теріш, кўрак чувиш машиналари, сеялкалар, пахта тозалаш ускуналари, пахта толаси ишлаб чиқаришда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 1960-1972 йилларда асосий ишлаб чиқариш фондлари тўрт баравар кўпайди.

Бугунги Ўзбекистон—саноати барқ уриб ривожланган йирик индустриал республика. Бу ерда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи мавжуд. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда мамлакатимиз ишчилар синфи билан бирга мардона қадам ташлаётган республика индустриясининг ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлаш учун ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

„ҚОРА ОЛТИН“

«Ўзбекнефть» бирлашмаси нефтчилари тўққизинчи беш йилликнинг саккиз ойлик топшириқларини барвақт адо этдилар. Пландан ташқари миллаб тонна нефть ва 30 миллион куб метр газ ишлаб чиқарилди. 210 минг сўмлик маҳсулот қўшимча реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги пландагидан 4,4 процент ошди.

Эришилган ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ. Сўнгги пайтларда халқ хўжалигига кўпроқ нефть ва газ етказиб бериш мақсадида республика конларида илғор усуллардан кенг фойдаланиляпти. Масалан, нефть қатламларига кимёвий усулда ишланган сув юборишдан, юқори босимли буғ ва газ ҳайдаш, кислота ва бошқа кимёвий дориворлар билан тозалаш, қудуқ забойларини электр ёрдамида қиздириш усуллари шулар жумласидандир. Бу усулларни жорий қилиш ҳисобига ҳар йили 200 минг тоннага яқин қўшимча нефть маҳсулотлари олинмоқда.

Ҳозирги кунда Помук ва Коштар нефть қудуқларида худди шу усулда ишлашга тайёргарлик олиб бориляпти. Наманган областининг Поп районида чуқурлиги 5805 метр бўлган қудуқ муддатидан илгари кавланиб бўлди. Бу, Ўрта Осиёда энг чуқур нефть қудуғидир.

Совет ҳокимияти йилларида «қора олтин» — нефть қазиб чиқариш мисли кўрилмаган даражада кўпайди ва республика саноатининг алоҳида тармоғига айланди.

Бирлашмамизнинг барча корхоналари белгиловчи йил топшириқларини барвақт бажариш, СССР нефть саноати корхоналари ўртасида «Бутуниттифоқ социалистик мусобақа голиби» нишондори бўлиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик тўйини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

А. ИСМОИЛОВ,
«Ўзбекнефть» бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган нефтчи.



ИЛГАРИ ВА ҲОЗИР

Қадим деҳқончилик машаққат эди. Бир тутам пахта етиштириш ёки деҳқончилик қилинадиган далага сув чиқариш учун олам жаҳон азият чекиш лозим эди. Бугунги кунда бутун мамлакатимиздаги сингари Ўзбекистонда ҳам деҳқончиликдаги асосий ишлар машиналар зиммасига юкланган. Юқоридаги суратда қадимги вақтда сув чиқаришда қўлланиладиган чигирнинг макети тасвирланган. Пастдаги суратда эса бугунги ирригациямизнинг қудратли насос станцияларидан бирини кўриб турибсиз. Ҳозирги вақтда ана шундай қудратли насослар ёрдамида Қарши дашти ва бошқа бўзқўриқ ерларга кўплаб сув етказиб бериляпти.

И. Душкин ва З. Пенсон фотолари.



ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИ

ПЎЛАТ ИЗЛАР

Мамет УСМОНОВ, Самарқанд вагон депосининг слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони: — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи тобора яқинлашиб келмоқда. Ана шу қутлуғ тўй шарафига арзигулик тўёна ҳозирлаш биз — темир йўлчиларнинг шу кунги асосий бурчимиз. Ишдан кейин ҳамкасбларимиз билан давра қуриб, кўпинча темир йўлимизнинг бундан ярим аср аввалги аҳволи, экономикамизнинг муҳим тармоғи бўлган темир йўл хизматида қандай муваффақиятлар қўлга киритилгани ҳақида баҳслашиб турамиз. Ана шундай баҳсларда магистралимиз босиб ўтган катта тараққиёт йўли кўз олдимизда ёрқинроқ гавдаланади.

Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиё темир йўлининг узунлиги ҳозирги 6 минг километр ўрнига атиги 3 минг километрни ташкил этарди. Рельслар эскириб кетганди. Ярим автомат ва автомат блокировкалар йўқ эди. Эндиликда йўлнинг 82 проценти ана шундай техника билан қуролланган. 700 километр масофада марказлаштирилган диспетчерлик хизмати жорий қилинган.

Утган ярим аср ичида паровозлар ўрнини тепловозлар, тепловозлар ўрнини эса эндиликда электровозлар эгалламоқда. Юк ташиш 21 баравар ўсди. Биргина тўққизинчи беш йилликда юк обороти пландаги 12 процент ўрнига 20 процент ортди.

Пўлат изларимиз узунлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Янги линиялар барпо этиляпти. 400 километрли Қўнғирот — Бейнов магистрали фойдаланишга топширилди. Бу магистраль Ўрта Осиёдан Волга бўйига, мамлакатнинг марказига ва Кавказга чиқиш учун янги қисқа йўл очиб берди. Бу йил Термиздан Қўрғонтепагача бўлган 215 километрлик линия ишга туширилади.

Темир йўлчиларимизнинг бутун куч-ғайрати КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга, беш йиллик топшириқларини барвақт ошириб бажаришга қаратилган.

Собиржон КАРИМЖОНОВ, Тошкент 4-пассажир автобуслари паркининг шофери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони: — Республикамиз автомобиль транспортининг ҳозирги юксак тараққиёти ҳақида гапиришдан олдин унинг ўтмиши тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Туркистонда биринчи давлат автотранспорт ташкилоти 1921 йилда ташкил этилган. Унда атиги 40 машина бўлиб, кўримсизгина ремонт устахонаси бор эди. Орадан уч йил ўтгач, Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин маҳаллий транспорт бош бошқармаси 223 юк, 100 та енгил автомашинага эга бўлди. Ўша йили автомобилларда ҳаммаси бўлиб 145 минг тонна ҳар хил юклар ташилди. Ҳар машинага ўртача 600 тонна юк тўғри келди. Эндиликда эса шунча миқдордаги юкни ўртача юк кўтарувчи автомашиналар бир ой ичидаёқ ташимоқда. 75 тонна юк кўтарувчи қудратли «Белорусь» самосваллари 8 қатновдаёқ ундан эшёд юк ташияпти.

Революцияга қадар Ўрта Осиёда бирорта ҳам марказий тош йўл йўқ эди. Илгарилари туя, от, эшакларда юрилган йўллар ўрнини аста-секин текис асфальт йўллар эгаллай бошлади. Тошкент — Термез оралиғида В. И. Ленин номли Катта ўзбек тракти ишга туширилди. Бу йўл Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларини туташтирди. Орадан кўп ўтмай Тошкентдан Фарғона водийсигача бўлган узоқ масофани қарийб икки баравар қисқартириш имкони берувчи Ангрен — Қўқон йўли барпо этилди. Қисқа муддат ичида Бухоро — Газли йўли ишга туширилди. Ҳозирги кунда республикамизнинг 29129 километр йўлидан 23 минг километри қаттиқ қопламалар билан қайта қурилди. Ўзбекистон автомобиль йўлларининг салмоғи жиҳатидан иттифоқдош республикалар ичида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда.

ЙЎЛЛАР ТАНОБИНИ ТОРТИБ...

Республикамиз автотранспорти халқ хўжалик юклари ташиш бўйича марказлаштирилган юк ташиш системасига эга. Бунинг шарофати билан юк ташиш миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1965 йилда 50 миллион тонна юк ташилган бўлса, 1972 йилга келиб бу рақам 120 миллион тоннани ташкил этди. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида юк ташиш илгариги йилларга нисбатан икки баравар ортади. Шу беш йилликда автопарклларимиз 15700 янги хил қудратли юк машиналари, 6300 та пассажирлар учун ҳар томонлама қулай автобуслар, 8300 енгил такси автомобиллари билан бойийди.

БЎЗ ЭТАКДАН „ПЎЛАТ“ ЭТАККА

Серқуёш ўлкамизнинг чексиз далалари, оппоқ пахтазорлари бўйлаб сузиб юрган «зангори кема»ларни кўриб ким қувонмаган, ким ҳаяжонга тушмаган? Шу «пўлат этак»лар чиқаётган бизнинг «Ташсельмаш» заводимиз илгариги оддийгина устахона ўрнида таркиб топган десак, ҳамма ҳам ишонмаса керак. Лекин бу ҳақиқат. Бундан 49 йил муқаддам, кетмон, белкурак, паншаха, хокандоз ва ўроқ сингари деҳқонларимизнинг талаб ва истаклари билан корхона машинасозлик заводига айлантирилди. Муҳаммал дастгоҳлар ва аниқ автоматик приборлар билан жиҳозланган янги цехлар, лаборатория ва участкалар барпо этилди. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилди. Америкадан сотиб олинган дастлабки пахта теріш машиналари ўрнига корхонамиз муҳри босилган машиналар ишлаб чиқаришга киришдик.

Бу соҳада бизга пахтачилик машиналари бўйича Махсус давлат конструкторлик бюроси мутахассислари кўмакка келишди. Ҳамкорлик ажойиб самаралар берди. 1949 йилда юзлаб «СХМ-47» ва «СХМ-48» маркали машиналари пахта далаларига чиқди. Кейинги йилларда бундай машиналарнинг ўнлаб тажриба-синов нусхалари яратилди. Эскилари ўрнига янгилари, оддийлари ўрнига мукаммаллари бунёдга келди. Ҳозирги «ХТ», «Ўзбекистон»ларнинг довруғини ким эшитмаган? Уларни Совет Иттифоқининг пахта экиладиган районларидагина эмас, Болгария, Куба, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Сурия сингари мамлакатларда ҳам учратишингиз мумкин.

Айниқса, олти қаторли машинамиз жаҳон пахтачилиги тарихида мисли-сиз воқеа бўлди. Унинг қудратини тасаввур этиш учун мавсумда 300 бўз этакли илғор теріміччининг ўрнини бир машина боса олишини таъкидлаш кифоя. Машинасозларимиз тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида пахтакорларга 6 минг 725 та такомиллашган машиналар етказиб бериб, плантопшириқларини ошириб уддаладилар.

Белгиловчи йилда янги меҳнат зафарларига эришяпмиз. Конструкторларимиз янги хил таркибий автомат шпинделлар ишлаб чиқишди. Ингичка толали пахтани теришга мослаштирилган тозалагичли ва тозалагичсиз янги хил машиналарнинг дастлабки синов нусхаларини тайёрлашди.

Заводимиз бу йил шу кунга қадар 500 дан эшёд пахта теріш машинаси тайёрлаб, хўжаликларга юборди. «ХВА-1,2», «ВБ-2,8» маркали янги хил «зангори кема»ларнинг синов нусхаларини ишлаб чиқардик. «АН-ХВ 2,4 А» ва «17ХВ-1,8Б» маркали машиналарнинг деталь ва узелларини олий категория аттестациясига тавсия этдик. Буларнинг ҳаммаси бизнинг юбилейга муносиб совғамиздир. Ҳар бир «Ташсельмаш»чи пахтакор деҳқоннинг бўз этагини пўлат этак қилиб берувчи мададкордир.

И. ВЕЛИКИЙ,
К. Е. Ворошилов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг бош инженери.

ҚАНОТЛИ ДАСТЁРЛАР

Гофир ОРИПОВ, Ўзбекистон граждан авиациясининг учувчиси, СССРда хизмат кўрсатган учувчи: — Авиациямизнинг ўзига хос тарихи бор. У асосан 1924 йили ташкил этилган. Ўша йилнинг 3 май куни ҳеч эсдан чиқмайди. Тошкент аэродромидан илк бор ҳавога кўтарилган самолёт Олмаота томон парвоз қилди. Бу, биринчи ҳаво йўли эди. Шундан кейин Ўрта Осиё республикаларининг пойтахтлари ва бошқа республикаларнинг марказий шаҳарларига қатновчи ҳаво йўллари очила бошлади.

1927 йилнинг 19 сентябри — Ўзбекистон граждан авиацияси тарихида унутилмас кун ҳисобланади. Ўша куни халқаро ҳаво йўлини очиш тўғрисида СССР ва Афғонистон ўртасида тузилган битимга мувофиқ Тошкент билан дўст Афғонистон пойтахти — Кобул шаҳри ўртасида самолётлар қатнови йўлга қўйилди. Улуғ Ватан уруши бошланмасдан илгари республикамиз граждан авиацияси йилига 41 минг 833 пассажир ташиш даражасига етган эди. Ўша йиллари авиаторларимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига ёрдам беришга киришдилар. 1940 йилга келиб қарийб 150 минг гектар майдондаги пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ҳашаротлардан авиация ёрдамида халос этилди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда республикамиз граждан авиацияси, жуда тез суръатлар билан ривожланди. Ҳаво йўлларида «Ил-12», «Ил-14», «Ли-2», «Ил-18» самолётлари пайдо бўлди. Эллиғинчи йилларнинг ўрталарида мамлакатимиз ҳаво йўлларида «Ту-104» реактив ва ҳар томонлама қулай самолётлар парвоз эта бошлади.

Ўзбекистон авиаторлари КПСС XXIV съезди қарорларини, тўқизинчи беш йилликнинг улкан режаларини амалга ошириш йўлида ҳар қачонгидан ғайрат кўрсатиб ишлаётирлар. Янги-янги ҳаво йўллари очилиб, уларда тез учар ва кўп пассажир таший оладиган қудратли самолётлар қатнамоқда.

Эндиликда қанотли дастёрларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Улар деҳқонларимизга ҳам, контоларларимизга ҳам, қурувчиларимизга ҳам энг яқин мададкор бўлмоқдалар.

САНОАТИМИЗ САРДОРЛАРИ

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ишчилар синфининг катта отряди вужудга келди. Суратларда: (чапдан ўнгга) — «Ташсельмаш» заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг машҳур тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцева; Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг ташаббускор йигирувчиси, СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раисининг ўринбосари Дилора Тошпўлатова, Андижон машинасозлик заводининг машҳур ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мўминов ўртоқлар.

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ИИЛ

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Ҳозир Ўзбекистонда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб, 1300 дан кўпроқ йирик корхоналарни бирлаштириб турибди.

● Хорижий мамлакатларга республика саноат маҳсулотларининг қарийб 130 хили экспорт қилинмоқда. Бу маҳсулотларни жаҳондаги юзга яқин мамлакат сотиб оляпти.

● Республикамиз чет элларга маҳсулот чиқариш бўйича мамлакатда РСФСР ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради.

● Электр энергия ҳосил қилиш Ўзбекистонда 1924 йилга нисбатан 1700 баравар ортди.

● 1957—1973 йиллардагина республикамиз 60 га яқин мамлакатда ташкил этилган 180 дан ортиқ халқаро нўргазмада саноат маҳсулотларини намойиш этди.

● Урта Осиё — Марказ газопроводи дунёда энг йирик газ йўлидир. Ундан СССРнинг Европа қисмига, шунингдек Чехословакия, Болгария, ГДР, Австрия, Италия, ГФР каби мамлакатларга «зангори олов» оқиб туради.

● Мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлган республикамизда 70 дан зиёд пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди. Иттифоқимиз экспорт қиладиган пахта толасининг 80 фоизини Ўзбекистон бермоқда.

● 1973 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 1924 йилдагига нисбатан 135 баробар ортди.

● Республикада 1924 йилга қараганда ҳозир 26 баробар кўп пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда.

● Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергия аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Туркияга нисбатан 7, Эронга нисбатан 16 марта зиёддир.

● Республикамизда ҳар йили қарийб 400 минг тонна пўлат, 320 минг тоннадан ортиқ қора металл прокати ишлаб чиқарилади, қарийб 2 миллион тонна нефть, 32 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинади.

ЖАҲОН БОЗОРИДА

СССР ТАШҚИ САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚОШИДАГИ ВАКИЛИ А. ҚОБИЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Республикамиз саноати чет элларга қандай маҳсулотлар чиқаради ва четдан нималар харид қилинади?

— Бу йил Ўзбекистон экспортининг бошланганига 40 йил тўлади. Ҳозирги кунда республикамиз чет элларга маҳсулот чиқариш борасида Россия Федерацияси, Украинадан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Дастлабки пайтларда чет элликлар биздан пахта толаси, пилла, қоракўл тери каби бармоқ билан санарли моллар олишган. Эндиликда Ўзбекистон четга қарийб 130 хил маҳсулот чиқармоқда. Жаҳоннинг юзга яқин мамлакати молларимизни харид қилаётир. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши системасига кирувчи мамлакатлар асосий харидорларимиздан. Улар олаётган маҳсулотлар экспортимизнинг эллик процентини ташкил этади.

Жаҳон бозорида айниқса тўқимачилик дастгоҳларимиз, қишлоқ хўжалик машиналаримиз чаққон. «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», «Чирчиқсельмаш», тракторсозлик каби корхоналаримизда тайёрланаётган машина ва ускуналарни Болгария, Югославия, Куба, Афғонистон, Гурция, Мексика, Ҳиндистон, Эрон, Сомали, Эфиопия каби ўнлаб мамлакатлар ёқтириб харид қиляпти. Шунингдек, электрон техника ускуналаримиз, трансформаторлар, дори-дармонлар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳам чет элликларга манзур.

Бир мисол: биргина дўст Ҳиндистоннинг ўзида бир қанча осма ва кўтарма кранларимиз, трансформаторларимиз, юзлаб тўқимачилик дастгоҳларимиз, компрессор, трактор, экскаватор ва грейдерларимиз ишлаб турибди. Ҳиндистонга ўтган йиллар ичида 800 минг сўмлик киноаппаратлар, кўплаб пўлат, чўян арматуралар, кабеллар жўнатилди.

Эндиликда тўқимачилик дастгоҳларимиз ГФР, Англия ва Японияда тайёрланаётган ускуналардан афзал эканлигини кўпчилик тан оляпти. Тўрт қаторли пахта териш машиналаримиз АҚШда ишлаб чиқарилаётган машиналарга нисбатан анча унумдор.

Ўзбекистон ҳам ўз навбатида чет элдан бир неча хил саноат маҳсулотлари олиб туради. Социалистик ва тараққий этган мамлакатлардан керакли ускуналар, электр моторлар, тикув дастгоҳлари, химия ускуналари, суғориш насослари, мебель ва бошқа хил истеъмол буюмлари харид қиламиз.

— Халқаро кўргазмаларда маҳсулотларимиз қандай баҳоланаётганлиги ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Кейинги 10-15 йил ичида республикамиз ўз маҳсулотларини қарийб 200 та халқаро кўргазмаларда намойиш этди. Брно ва Пловдив халқаро ярмарканларининг олтин медалларини олган «ПК-100» маркали муккаммал тўқимачилик дастгоҳларимизни бугунги кунда Англия, Франция, АҚШ, Япония, ГФР каби тараққий этган капиталистик мамлакатлар ҳам кўплаб сотиб оляпти.

Лейпцигдаги машҳур ярмаркада Катта Олтин медалга сазовор бўлган Қўқон электр машинасозлиги заводининг рангли металларни қизитмай пайвандлаш йўли билан кавшарлайдиган машинаси харидорлари йил сайин кўпайиб бормоқда. «Зангори кема»ларимиз, «Т-28-ХЗ» тракторимиз, селпкаларимиз Пловдив, Бағдод, Эфиопия, Индонезия кўргазмаларида жуда юқори баҳоланди. «17-ХВ-1,8» маркали икки қаторли пахта териш машинаси, «Т-28-ПХЗ» трактори, «ТМЗ-879» автомобиль ағдарма-ярим прицепи «КРХ-4» культиваторўғитлагич, «КЗУ-0,3» ариқ қазувчи ва ер текисловчи машиналаримиз эса Бутуниттифоқ савдо палатасининг олтин медалини олишга эришди. «Чирчиқсельмаш» заводининг универсаль машинаси эса Рангун, Тараблис, Анкура, Салоники, Измир, Дамашқ, Мадорас, Жазоир, Касабланка ва Боғота халқаро кўргазмаларида юксак баҳо олди.

АҚШнинг машҳур «Уолт Дисней» фирмаси киноаппаратларини сифат жиҳатидан ортда қолдирган Самарқанд «Кинап» заводининг киноаппаратлари ҳозир жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Улар Япония, Брюссель кўргазмаларида катта эътибор қозонгач, жаҳон бозорида жуда харидгир бўлиб қолди. Шу билан бир қаторда миллий нашта, хонатлас ва беқасамларимиз ҳам Париж халқаро кўргазмасида диплом ва олтин медаль билан мукофотланди.

Революциядан аввал кетмон, игна каби оддий нарсаларни ҳам чет элдан олтин баҳосида харид қилган ўлкамиз энди жаҳон бозорида саноат маҳсулотлари билан катта эътибор қозонмоқда. Бу, экономикамиз Совет ҳокимияти йилларида нақадар тез суръатлар билан юксалиб бораётганидан бир нишона.

«Минглар шартномаси» мусобақаси қатнашчилари сафи кенгайиб бораяпти. Бутуниттифоқ тўқимачилари даврасида юзага келган мусобақанинг бу янги формаси эндиликда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ёйиляпти. Суратда: Иваново меланж комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ф. Ерофеева, Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева ва Москва областидаги Фурманов тўқимачилик фабрикасининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Г. Амосова ўртоқлар социалистик мусобақа шартномасини имзолаётган пайт.

А. Дворжец ва Г. Романов фотоси.



Кейинги йилларда республикамизда йирик саноат корхоналари барпо этилди. Суратларда: Урта Осиёда энг қудратли саналувчи Сирдарё ГРЭСи (юқорида) ва пастда рангли металлургиямизнинг марказларидан Олмалиқ мис эритиш заводи участкаларидан бирининг кўриниши.

А. Тўраев фотолари.

ҚУРИЛИШ

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

50 йил!

Республикамизнинг қурилиш харитасида ҳар куни бир ўзгариш, бир янгилик бўлиб турибди. Директива объектлари қурилиши қизғин давом этяпти. Уларнинг кўплари муддатидан илгари ишга туширилмоқда. Сирдарё ГРЭСининг икки энергетика блоки, Чорвоқ ГЭСи, Аму-Бухоро ва Ульяновск, Занг каналлари, Туямўйин гидроузелининг дастлабки навбатлари, Кармана гидроузели, Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи каби йирик объектлар ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСининг учинчи энерго блоки Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси олтин тўйи шарафига шу йилнинг ўзидаёқ, Тахиатош—Нукус темир йўли эса 1975 йилнинг сўнгги кварталида фойдаланишга топширилади. Эндиликда бунёдкорларимиз амалга ошираётган ишлар беқиёсдир.

Қурувчиларимиз сафи тобора кўпайиб бораяпти. Агар Ўзбекистонда 1940 йилда умумий қурувчилар сони 40,9 минг киши бўлса, ҳозир бу рақам 301,1 минг кишидан ошиб кетди. Ҳунар-техника билим юртларининг ўзида ҳар йили 8.500-8.600 малакали ишчи тайёрланмоқда. Биз бугун уларнинг кўпини илғор бинокорлар сафида фахрланиб тилга оламиз. Наманганлик машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Воҳидов, тўққиз ташаббускорнинг бири — тошкентлик Мухтор Ҳабибуллаев, Самарқанд уйсозлик комбинатининг бригада бошлиғи Шукри Османов сингари қурувчиларимиз беш йиллик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўз касбини доимо шарафлаб келаётган бинокорларимиз юбилей йили топшириқларини барвақт ва ошириб бажаришга аҳд қилишган.

Белгиловчи йилда 133 та юбилей иншоотларини оталиққа олган республикамиз қурувчилари бу йил 4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштиришлари керак. Бунинг қарийб ярми қишлоқ хўжалик комплекслари барпо этишга ажратилган.

А. ОДИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитети қурилиш ва бинокорлик индустрияси бўлими бошлиғи.

ЭЛЛИК ЙИЛ ОДИМЛАРИ

МЕТАЛЛУРГИЯ

Асад ЭРГАШЕВ. В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи пўлатни узлуксиз қуйиш ускунаси мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Улуғ Ватан уруши давом этарди. Бекободнинг кун чиқаридаги тақирликда Урта Осиёда ягона металлургия заводи халқ қавшари йўли билан бунёд этилди. «Бизнинг заводимиз тайёрлаган ҳар бир грамм пўлат душман кўксига ўқ бўлиб санчилгусидир!» дейишарди ишчилар. Республикамиз металлургиясининг тўнғичи бўлган ана шу корхонани ишга туширишда учун узоқ-яқиндан меҳмонлар, партия ва ҳукуматимиз раҳбарлари келишди. Барчанинг нигоҳи темир-терсаклар ғарамланган кенг цехга қадалганди. Мартен печида ғуриллаб алангаланаётган олов тўпланганлар чеҳрасига поларанг ёлқин сочарди.

Тантанали маросимлардан кейин кутилган воқеа рўй берди. Цех бошлиғи Е. Лукянчиковнинг буйруғи эшитилди. Ҳ. Ғаниев, И. Маҳмудов, А. Аҳмедов, С. Тимохин, И. Алмакин каби куч-ғайратга тўла шербилак металл эритувчилар ишга киришиб кетишди. Темир-терсакларни чаққонлик билан печ «ҳалқумига» ирғита бошлашди. Печнинг ўткир ҳароратида металл эриб сувдек қайнади. Ўша куни биринчи ўзбек пўлати қуйилди. Бу воқеа яшин тезлигида бутун мамлакатимизга таралди. Партия Марказий Комитетидан Бекобод металлургия заводи қурувчиларига, металлургларига табрик телеграммаси келди.

Шундан буён ўттиз йилча вақт ўтди. Ана шу даврда ичида республикамиз металлургия саноати жуда катта ғалабаларга эришди. Олмалиқда кон-металлургия комбинати қурилди. Бу комбинат қошида мис, қўрғошин ва рух заводлари барпо этилди. Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатини билмаган киши кам топилса керак. Хуллас, металлургиямиз катта йўлга чиқиб олди.

ХИМИЯ

Деҳқон ШЕРЧИБОЕВ. Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электр химия комбинатининг ҳаво парчалаш цехи слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— Тан олиш керак. 30-йилларга қадар ўлкамизда химия корхонаси бўлган эмас. 1929 йилда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съезди бўлиб, унда химия саноатини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

1931 йилда Ўзбекистон химия саноати тарихида қувончли воқеа рўй берди. Чирчиқда электр химия комбинати фойдаланишга топширилди. 1946 йилда эса Қўқонда суперфосфат заводи ташкил этилди. Улар — ҳозирги катта химиямизнинг ибтидоси эди. Ҳозир-чи?

Ҳозир химия саноатимиз жуда тез суръатлар билан тараққий этиб бораяпти. Бухорода битмас-туганмас табиий газ запасларининг топилиши ва унинг саноат хизматига бўйсундирилиши химиямиз тараққиётига қанот бағишлади. Чирчиқ электр химия комбинатининг қуввати ортди. Шунингдек, Навоийда гигант химия комбинати, Олмаликда улкан аммофос заводи жуда тез суръатлар билан барпо этилди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қўқон, Бухоро каби йирик шаҳарларимизда ҳам мўъжизакор химия саноати юксалди. Республикамизда азот, суперфосфат, фосфор, карбамид, аммофос ўғитлари, аммиак селитраси, медицина дори-дармонлари, маиший химия буюмлари, турли лак-бўёқлар кўплаб тайёрланадиган янги корхоналар дунёга келди.

Эндиликда химикларимиз республикамиз эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, ҳатто қардош республикаларнинг деҳқонларига ҳам минерал ўғитлар жўнатишяпти.

ИРРИГАЦИЯ

Бинор ҚОДИРОВ, Ўзбекистон сув хўжалиги иншоотларини лойиҳалаш давлат институтининг директори:

— Доҳиймиз Владимир Ильич «Суғориш ҳаммадан кўпроқ зарурдир ва ўлкани ҳаммадан кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди» деб башорат қилган эди.

Октябрь инқилобигача сувсизликдан қақраб ётган кимсасиз Мирзачўлга сув чиқарилиб маъмурчилик районига, боғ-бўстонга айлантирилди. Ирригация ва мелиорация бу ерда ўзининг чинакам мўъжизасини кўрсатди. Аму сувини 70 метр баландликка кўтариб, қум барханлари оша Зарафшон воҳасига етаклаб келган Аму—Бухоро, Аму—Қоракўл каналлари эса Бухоро области деҳқончилиги тарихида янги саҳифалар очди. Утган қисқа давр ичида областда сув таҳқислигига барҳам бериш мақсадида йирик Шофиркон гидроузели, Тошработ сув ташламаси, бош Қоракўл, Денгизкўл, Ёмонжар, Ғарбий Ромитан коллекторлари, Зарафшон бўйида Навоий гидроузели барпо этилди. Бунинг шарофати билан областда пахта ҳосилдорлиги бир неча центнерга ошди.

Аму—Бухоро каналининг иккинчи навбати, Туямўйин гидроузели, Катта Наманган канали, Андижон денгизи тўққизинчи беш йилликнинг йирик қурилишлари сифатида ирригациямиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилади.

Ирригатор ва мелиораторларимиз КПСС XXIV съезди Директивларида қўйилган улкан вазифаларни сабот ва матонат билан амалга ошириш йўлида бундан буён ҳам бутун куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини сафарбар этаверадилар.

УЛАР БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

ПАРВОЗ

«Тошкент тўқимачилик комбинатида илғор меҳнат усулларининг устаси — йигирувчи Мавжуда Абдураҳмонова юқори меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатди...».

(«Ўзбекистон ССР тарихи» китобидан).

Смена тугади. Комбинат ҳовлисига қўйилган радиокарнайдан «Чевар Мавжуда» қўшиғи таралди.

Мавжуда, о, Мавжуда,
Ғайратинг кўпдир жуда.
Элу юртнинг олқиши,
Сенга бўлсин, Мавжуда.

— Ух-ҳўў, — деди қўшиқни тинглаб турганлар, — қўшиқ ҳам тўқишибди-я.

— Қойил! Ҳалоли бўлсин, юринглар табриклаб келамиз.

Бир тўда қизлар йигирув фабрикасига кириб келишди. Иш тугаганига қарамай, Мавжуданинг участкаси ҳамон ишлаб турарди. Бир йўла ўн қатордаги барча ўрчуқнинг жилови шахло кўзли, тишлари садафдек яркираган, юзларида кулдиргичлари сузилиб турган қизчада эди. Унинг эпчил қўллари ғириллаб айланаётган ўрчуқларга тинимсиз бориб келарди.

— Ҳормасинлар, қўшиқ бўлган қиз.

— Раҳмат...

У иш пайтида бундан бошқа гап айтолмас, елиб-югуриб гоҳ у ўрчуққа, гоҳ бу ўрчуққа ўтар, кузатиб турганлар эса кўзларига ишонмасди. Гўё кино лепталари липиллаб ўтаётгандек. Унинг олдида бўзчининг чархи бир афсона эди.

Бу — ўша иккинчи, учинчи ва кейинги қатор беш йилликлар даврида республикамиз тарихида из қолдирган, газеталарда мақталган, социалистик мусобақанинг пешқадами. кўплаб меҳнат орден ва медалларининг эгаси Мавжуда Абдураҳмонова эди.

— Биз кўпчилик эдик, — деб ҳикоя қилди М. Абдураҳмонова — комбинатда Марҳамат Юсупова, Муҳаббат Носирова, Собир Аҳмедов, Марҳамат Йўлдошева сингари юзлаб ишчилар стахановчилар эдик. Комбинатга тез-тез бориб тураман. Корхона кўз ўнгимда тараққий этди. 1941 йилда ВКП(б)нинг XVIII конференцияси шарафига икки ойда пландан ташқари 100 тонна ип йигирилгани эсимда. Ҳозир бу муддатда юз эмас, бир неча минг тонналаб қўшимча ип тайёрланяпти. Бу — чинакам юксалиш!

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

МУҲАНДИСЛАР

Ўзини Ричард деб таниган англиялик сайёҳ Тиллакор мадрасасидаги жимжимадор кошинларга узоқ тикилиб қолди. У юз йиллаб ўз жозибали сайқалини, ранг-рўйини ўзгартмай келаётган, киши ақлини сеҳрловчи қамалак нақшларни бармоқлари билан силабсийпаб кўрди-да, экскурсовод қизга юзланди:

— Афв этасиз, бу нақшларни суратга туширсам бўладими?

— Бўлади.

— Ана у кошинларни-чи?

— Бемалол.

— Ажойиб саховатли аёл экансиз. Энди, айтолмайсизми, бу кошоналарни ким ясаган?

— Самарқандлик биринчи совет кошинсоз халқ устаси Абдуқодир муҳандис. У киши шаҳримиздаги қатор тарихий обидаларни қайта тиклашда бошчилик қилган. Профессор В. Л. Вяткин раҳбарлиги ва ҳамкорлигида ана шу кошинларни қайта ишлаб чиққан. Улуғбек мадрасаси равоғининг тўкилиб кетган гули-мадоҳил лавҳаларини ҳам шу киши қайта ишлаганлар.

— Офарин, энди ишондим. — Сайёҳ ён дафтарчасига нималарнидир ёзаркан, сўзини давом эттирди. — Ўзбеклар ичидан бундай заковатли меъморчилик муҳандиси етишиб чиққанига қойилман, жаноблар. Афғонистоннинг Балх шаҳридаги мозори Шариф мақбарасини, Бухородаги минораи Калон иншоотини ҳавозасиз тузатишда, Ленинграддаги тарихий Дума биносини тиклашда эўр маҳорат кўрсатган инженер — Абдуқодир муҳандис эканлигига илгарилари ишонгим келмасди. Ватанимга қайтгач, бу ҳақда албатта ёзаман.

— Туркистонда ҳали қора чироқ ҳукмрон бўлган 20-йиллардаёқ Тошкентда ГЭС қурган қалдирғоч ўзбек муҳандис йигитини эшитганмисизлар?

— Йўқ-йўқ, билсангиз сўзлаб беринг. Ким экан у довюрак?

— Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасига қарашли Мерганча маҳалласидан чиққан Саидқилхон Саидҳўжаев! У Октябрь революциясининг эрта тонгидаёқ Москвада инженерлик илмини эгаллади. Ҳали мамлакатимизда Гражданлар урушининг асорати кетмаган бир пайтда Саидқилхон Тошкентдаги Бўзсув ГЭСи қурилишига бошчилик қилди.

— А-а? — Сайёҳлар ҳайратда эди.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

«Ўзбекистон нисбатан яқинда энг қолоқ мамлакат бўлганлигини мен китоблардан билар эдим. Бинобарин, мен бу ерда кейинги йилларда амалга оширилган тараққиёт олдида лол бўлиб қолдим... Мен коммунист эмасман, бироқ менинг кўзим бор. Агар мен яхши кўрар эканман, демак мен бу ҳақда виждонан гапираман».

Элен ГАНЬОН,
Канада.

* * *

«Биз жуда қисқа муддатда ўзбек халқи томонидан қилинган улкан ишларнинг гувоҳи бўлдик. Яқин ўтмишда қолоқ ва жабру зулм остида эзилиб келган халқ эндиликда биринчи класс индустрияси... бўлган илғор миллатга айланган».

Леон ШУХМАН,
Аргентина.

* * *

«Ўзбекистоннинг асосан аграр, техникаси суст ривожланган жамиятдан ривожланишнинг динамик программаси билан тезликда саноатлашган жамиятга айланишини совет тузумининг катта ютуғи, деб баҳо бермоқ керак».

Уильям МЕДЛИН,
АҚШ, «Мичиган» университетининг профессори.

* * *

«Ўзбекистон саноатининг ривожланиш даражаси шу қадар юқорики, 1962 йилда унинг улуши бутун миллий даромадининг 43 процентини ташкил қилди, бу эса Франциякини билан баробар, Бельгия ва Италиякикига қараганда юқоридир».

Чедди ЖАГАН,
Гвиана

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бадиий раҳбари, композитор Хайри **Изомов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика музика санъатини ривожлантириш соҳасида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети халқ чолғу асбоблари оркестрининг солисти Николай Яковлевич **Савинов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр маданияти соҳасида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри грим цехининг мудири Ашур **Турсунов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

СССР халқлари санъати фестивали давом этмоқда

БИЗНИНГ СУҲБАТ

КАТТА ШАРАФ

Ермек СЕРКЕБОЕВ,
Қозоғистон ССР Давлат опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти

— Фестивалнинг шиорини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизни бу ерга беғубор дўстлигимиз етаклаб келди. Шундай экан, аввало дўстликни шарафлашимиз, таннум этишимиз керак эди. Бор овоз билан айтиш мумкинки, шундай бўлянти! Сиз қайси бир фестиваль қатнашчисининг репертуарига разм солманг, ана шу муқаддас туйғуга бағишланган асарларни кўрасиз.

Менинг репертуаримда ҳам қардош халқларнинг қўшиқлари, ария ва романслари бор. Мен уларни алоҳида муҳаббат билан ижро этаман.

Ўзбек оғаларимизнинг олтин тўйларига бағишлаб СССР халқлари санъати фестивали ўтказилиши катта шарафдир. Бу биз, қозоғистонликларни ҳам чексиз қувонтирмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам, бизнинг республикамизда ҳам, умуман Ўрта Осиё республикаларида етиштирилган мўл ҳосил — «оқ олтин»ни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун қизғин кураш боряпти. Ўзбек оғаларимизнинг бу йилги марралари ҳазилакаммас — 5000000 тонна! Бу маррани эгаллаш ҳам ҳазилакам меҳнатни, жасоратни, қаҳрамонликни талаб қилмайди. Лекин биз, бутун ҳамлакат халқлари шуни яхши биламизки, ўзбек халқи бу юксак маррани шараф билан эгаллайди. Биз уларга бу меҳнат курашида фақат ва фақат бардамлик тилаймиз.

Дўстлик байрамининг айни шу кунларда яъни, «оқ олтин» учун кураш бораётган бир пайтда ўтказилиши ҳар қанча таҳсинга сазовор воқеадир.

ЯНА ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Лутфиёр ИМОНОВ,
Озарбайжон ССР Давлат опера ва балет театрининг солисти, Озарбайжон ССР халқ артисти

— Биринчи марта Ўзбекистонда 1960 йилда бўлган эдим. Ўшанда Тошкентда республикамиз кунлари ўтарди. Мен Тошкентдан ташқари Самарқанд ва Фарғонада ҳам бўлдим. Юртимга қайтар эканман, бу санъатсевар ўлканинг кишиларига чексиз миннатдорчилик билдирган эдим. Чунки, мен худди шу сафаримда ўзимнинг ижрочилик фаолиятимдан қониқиш ҳосил қилганман.

Орадан 14 йил ўтиб, иккинчи бор Тошкентга келдим. Бу галги сафарим мен учун энг фахрли ва айни пайтда энг масъулиятлидир. Негаки, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган СССР халқлари санъати фестивалида иштирок этяпман! Негаки, бир вақтлар менинг камтарона санъатимни олқишлаган, ижодимда янги кашфиётлар қилишга ундаган кишилар кўз ўнгида концерт беряпман.

Мен Ўзбекистонда кам бўлсамда, лекин унинг санъаткорлари билан яқиндан танишман, дўстлашиб кетганман. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров билан қалин дўстман. Унинг санъатини алоҳида муҳаббат билан ҳурмат қиламан. Ундан кўп нарса ўрганганман. Ажойиб чилдирмачи Қаҳрамон Дадаев билан бирга Японияда концерт бергамиз. Мен унинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги билан фахрланаман.

Фестивалнинг аҳамияти беқиёсдир. У кўпмиллатли совет санъатини пропаганда қилиб, қардош халқлар маданиятини ўзаро бойитибгина қолмайди, балки дўстлигимизни тағин ҳам мустаҳкамлайди.

СЕРМАЗМУН ҲАЁТ

Бугун Коммунистик партия ва Совет давлатининг йирик арбоби, В. И. Ленининг сафдоши, олим, педагог, йирик назариётчи ва совет соғлиқни сақлаш системаси ташкилотчиларидан бири Н. А. Семашко туғилган кунга 100 йил тўлади.

Н. А. Семашко ўзининг кўп қиррали ва сермазмун ҳаёти билан совет соғлиқни сақлаш тарихида чуқур из қолдирди. Николай Александрович янги типдаги соғлиқни сақлаш системасига асос солди ва унинг ҳар томонлама тараққий этишига муносиб ҳисса қўшди.

Николай Александрович ўсмирлик йилларидаёқ ҳаётини рус халқининг чоризмга қарши революцион курашига, ўз Ватанининг порлоқ ва бахтли келажагига бағишлади. Гимназияда ўқиб юрган чоғида ман қилинган адабиётларни ўқиш учун махфий тўгарак ташкил қилади.

У 1891 йилда Москва университетининг медицина факультетига кириб, студентларнинг марказий махфий марксистик ташкилотига яқинлашади ва унинг фаол қатнашчисига айланади. 1895 йилда революцион ҳаракатда қатнашганлиги учун қамоққа олинади ва Орёл губернясига полиция назоратига жўнатилади. Орадан икки йил ўтгач, у Қозонга келиб, университетнинг медицина факультетида ўқишни давом эттиради. Бу ерда ишчиларнинг махфий марксистик тўгарагига раҳбарлик қилади, инқилобий варақалар ёзади, ишчилар намойишида қатнашади.

Н. А. Семашко 1904-1905 йилларда Нижегород РСДРП комитетида ишлаб, шаҳар ишчиларининг самодержавиега қарши қуролли қўзғолонига бошчилик қилади ва уларга медицина ёрдамини кўрсатади. Н. А. Семашко Сормово ишчиларининг қўзғолонида қатнашганлиги учун қамоққа олинади ва тўққиз ой ўтгандан кейин саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли Швейцарияга эмиграция қилинади. У Женевада биринчи марта В. И. Ленин билан учрашади ва унинг раҳбарлигида большевикларнинг «Биродарлик группаси»да, кейинчалик большевикларнинг РСДРП ҳорижий бюросининг котиби бўлиб ишлайди.

Н. А. Семашко 1917 йилда Россияга қайтади ва Москвада партия ишларида фаол қатнашади. Оқ гвардиячилар билан курашаётган Замоскворечье солдат ва қизил гвардиячиларига медицина ёрдамини ташкил қилади. У Ленин раҳбарлигида Россияда социалистик революциянинг ғалаба қозониши учун қизғин кураш олиб боради.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейинги даврда Н. А. Семашконинг кўп қиррали фаолияти янада намоён бўлди. Социалистик қурилишнинг ҳамма жараёнида, партия, давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўзининг чуқур билимини, қайноқ қалбини, битмас-туганмас куч-ғайратини, бой тажрибасини, большевистик жасорати ва ташкилотчилик истеъдодини социализм қурилиши ишига бағишлайди. У Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси ва Президиумнинг болалар комиссияси раиси бўлиб ишлади.

Мамлакатимизда социалистик соғлиқни сақлаш системасининг ташкил топиши ва тараққиётида, унинг назарий ва ташкилий пойдеворини қуришда, аҳолига медицина ёрдами беришнинг амалий йўлларини ишлаб чиқишда Н. А. Семашконинг роли беқиёсдир.

1918 йилда В. И. Ленин имзолаган Халқ Комиссарлари Совети Декретига биноан соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги ташкил қилиниб, Н. А. Семашко унга комиссар қилиб тайинланган эди. Бу комиссарлик мамлакатимизда медицина ва санитария ишларини бошқарадиган дунёда биринчи мустақил марказий орган эди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги ўз ишини империалистларнинг ҳарбий интервенцияси ва гражданлар урушининг жуда оғир шароитида бошлади. Ойиқса, юқумли тиф эпидемияси аҳоли ўртасида кенг тарқалган эди. Бунинг устига мамлакатимизда ҳали медицина муассасалари жуда оз бўлиб, унда ишлайдиган врачлар етишмасди. Шунинг учун ҳам, энг аввало, бундай шароитда майда ва тарқоқ медицина муассасаларини йирик совет медицина системасига айлантириш, шахсий касалхоналарни национализация қилиш, тиф, вабо ва бошқа юқумли хасталикларга қарши курашиш, Қизил Армияга медицина ёрдамини ташкил қилиш, ёш болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш, ишчи ва деҳқонлар орасида даволаш ишларини йўлга қўйиш лозим эди. Бундай улкан ишларни Н. А. Семашко маҳорат билан бошқарди.

Бугунги кунда биз фахр билан шуни айтишимиз мумкинки, совет соғлиқни сақлаш системаси ҳар бир соҳасининг ривожланишига Н. А. Семашко ўзининг улкан ҳиссасини қўшди.

Р. ПУЛАТОВ,
Н. А. Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, медицина фанлари доктори.

Планетамизда

КИПРГА ВИЗИТ

НИКОЗИЯ, 18 сентябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев Совет Иттифоқи билан Кипр ҳукуматлари ўртасида Кипр масаласи юзасидан фикрлашиб олиш учун бугун шу ерга келди.

Кипр юстиция министри Л. Клиридис, қишлоқ хўжалиги министри Э. Ланитис, Лимасол шаҳри бошлиғи Ф. Колакидис ва бошқа расмий кишилар Лимасол портида Л. Ф. Ильичевни кутиб олдилар.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XXIX СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXIX сессияси очилди. Сессиянинг биринчи иш куниёқ халқаро кескинликнинг юмшаб бораётганлиги халқаро майдондаги воқеалар ривожининг энг асосий йўналиши эканлигини равшан исбот этди.

Сессия раислигига бир овоздан сайланган Жазоир ташқи ишлар министри Абдулазиз Бутефлика Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчи — шу жараёнга ҳар жиҳатдан ёрдам беришдан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашнинг оғир йўлини босиб ўтган уч янги давлат — Бангладеш, Гвинея-Бисау ва Гренаданинг БМТ аъзолигига қабул қилиниши сессия биринчи иш кунининг энг муҳим воқеаси бўлди. Эндиликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз сафларида 138 аъзога эга. Бу эса халқаро майдонда рўй берган реал ўзгаришларни мустаҳкамловчи муҳим қадам бўлиб, БМТнинг универсаллик принципини мустаҳкамлашга имкон беради.

Кўпгина мамлакатларнинг вакиллари сессия минбаридан туриб, БМТнинг янги аъзоларини самимий табрикладилар.

Социалистик давлатлар группаси номидан сўзга чиққан Болгариянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Г. Грозев бундай деди: Ассамблеянинг қарори халқаро муносабатларда кескинликнинг юмшатиш жараёни миллий озодлик учун ва демократик ҳамда прогрессив-социал ислоҳотларни амалга ошириш учун курашда сезиларли ёрдам бериш учун реал шароит яратганлигини ва яратиб беришини кўрсатади.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Я. А. Малик, Совет Иттифоқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган ҳамма халқларни қўллаб-қувватлади ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверади, деди.

Совет вакили, халқаро вазиятдаги қулай силжишлар, халқаро кескинликнинг юмшаши Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ижобий таъсир кўрсатди, деб уқтириб ўтди. Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистон давлат арбобларининг биргаликда сарфлаётган куч-ғайрати туфайли ер куррасининг ана шу муҳим қисмида мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида анчагина муваффақиятларга эришилди.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлади Я. А. Малик, ўзининг принципиал сиёсатига амал қилиб, Гвинея-Бисау халқининг тўла озодлик ва миллий мустақиллик йўлидаги қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлаб, унга мана шу адолатли курашда маънавий-сиёсий мадад ва моддий ёрдам бериб турди.

Кипрнинг БМТ ҳузуридаги вакили З. Россидиснинг илтимосига кўра, Кипр тўғрисидаги масала БМТ Бош Ассамблеяси XXIX сессиясининг кун тартибига киритилди. Кипр вакилининг тушунтириш мактубида Ҳанфсизлик Кенгашининг Кипрдан ажнабий қўшинларни олиб чиқиб кетишни назарда тутган қарори ҳалигача бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилади.

ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КАРАКАС, 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Чили халқи билан бирдамлик халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари жаҳоннинг демократик кучларини фашизмга қарши кураш олиб боришга ва Чили халқини тобора қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Турли қитъалардаги 60 га яқин мамлакатнинг ва жуда кўп халқаро ташкилотларнинг вакиллари Чили ҳарбий хунтасининг жиноятларини ва унинг меҳнаткашлар, студентлар, зиёлиларга нисбатан қўлланаётган ваҳшийларча жазо чораларини кескин қораладилар. Улар Чили Коммунистик партияси Бош секретари Луис Корвалонни, Халқ бирлиги ҳукуматининг ташқи ишлар министри Клодомиро Альмейди ва бошқа ватанпарварларни озод қилишни талаб этдилар.

Бирдамлик анжумани тугагандан кейин, Чили марҳум президентининг қизи Беатрис Альенде бошчилигидаги бир группа делегатларни Венесуэла президенти Карлос Андрес Перес қабул қилди. Венесуэла давлатининг бошлиғи Чилидаги сиёсий маҳбуслар тўғрисидаги масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қўйилиши керак, деди.

ТЕҲРОНДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

ТЕҲРОН, 18 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда 2-Халқаро савдо ярмаркаси расмий равишда очилди. Ярмаркада 31 мамлакатнинг, шу жумладан Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия ва Югославия савдосотиқ доираларининг вакиллари қатнашмоқда. Ярмарканинг павильонларида ва очиқ майдончаларида 200 дан ортиқ компаниялар ва савдо бирлашмалари ўз молларини намойиш қилмоқдалар.

Шу йирик халқаро савдо анжуманнинг мезбонлари — Эроннинг фирмалари ва компаниялари, озиқ-овқат, тўқимачилик, химия саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, бинокорлик материаллари ва бошқа хил молларнинг намуналарини қўйдилар.

КОНГРЕССДА СОХТА ГУВОҲЛАР

ВАШИНГТОН, 18 сентябрь. (ТАСС). Кўп миллатли корпорациялар ишлари билан шуғулланувчи сенат комиссияси Сальвадор Альенде ҳукумати даврида АҚШнинг Чили ички ишларига аралашганлиги тўғрисида холис доклад тайёрлади. Докладда айтиладики, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, АҚШ ҳукуматининг бир қанча расмий вакиллари АҚШ Марказий Разведка бошқармасининг Халқ бирлиги ҳукуматини агдариб ташлаш борасидаги фаолияти тўғрисидаги фактларни яшириш мақсадида конгрессда сохта гувоҳлик берганлар. Докладда Марказий Разведка бошқармасининг собиқ директори Хелмс, давлат секретарининг Америка давлатлараро ишлар бўйича собиқ ёрдамчиси Меййр, АҚШнинг Чилидаги собиқ элчиси Корри ва Марказий разведка бошқармаси Латин Америкаси бўлимининг собиқ раҳбари Броу сохта гувоҳлар сифатида тилга олинади.

Доклад сенат ташқи ишлар комиссиясининг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилади.

КАТТА ҚАЛЛОБЛИК

ТОКИО, 18 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Корея режими қурилиш министри Ли Нак Сун жавоҳирлар билан савдо қилишда катта ҳийлагарлик қилганлиги фош этилганлиги муносабати билан истеъфо берди. Сеулдан хабар беришларича, жавоҳирлар билан яширинча савдо қилишда министрлар кабинетининг бир неча аъзолари ҳам аралашган. 35 киши, шу жумладан олий мансабдаги маъмурларнинг хотинлари ҳам бу жиноятда иштирок этганлар.



ВДР. Хайфон шаҳри уруш пайтида Америка бомбаларидан жиддий зарар кўрди. У ҳозир қайта тикланмоқда. Замонавий уй-жой бинолари, маъмурий бинолар, универмаглар қурилянти. Вайрон бўлган корхоналар яна қад кўтармоқда. Суратда: Хайфон кварталларидан бирида йиғма темирбетондан қурилаётган уйлар.

ВИА—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 МОСКВА. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Концерт. 18.10 — **«Ахборот».** 18.25 — Тинчлик тароналари. 19.05 — **Ахборот.** 19.30 — МОСКВА. Социализм дунёси. 20.00 — **Хоккей: Канада — СССР.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — ТОШКЕНТ. **Пахтазор — мардлар майдони.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Кинофильм. 11.25 — **Тонгни қаршилаб** (бадиий фильм). 17.30 — МОСКВА. 18.15 — Концерт. 18.45 — Болгария санъати ва маданияти кўргазмаси. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда акс этар қўёш. 19.30 — ТОШКЕНТ. 20.10— Жанговар постда. 20.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 21:35 — Буюк совет композиторлари. Д. Кабалевский. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли кино экрани. 19.45 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.15 — Концерт. 20.45 — Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Анна Каренина,** 21/IX да **Дон Карлос.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IX да **Имон,** 21/IX да **Ой тутилган тунда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IX да **Олифта,** 21/IX да **Жоним фидо** (спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Апачлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ КУНДУЗГИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

1974—75 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА — тўла ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматларини ўтаб бўлганлар, автомобиль транспорти ва йўллари министрлиги корхоналари, саноат корхоналари, совхозлар ва ҳарбий қисмлар йўлланмаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида 1 йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Тайёрлов бўлимига йўлланганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишади: ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, характеристика 6 фото (бош кийимсиз 3x4 см), медицина справкаси (форма 286).

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1974 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам кундузги тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ИНСТИТУТ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР — 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади

Ўқишга кирувчилар 25 ноябргача бўладиган суҳбат натижаларига қараб қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирганлар стипендия билан таъминланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ой.

ЎҚИШ — 1 декабрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси 20-уй, 4-хона.

Спорт. Спорт. Спорт.

БЕЛЛАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси бу йил биринчи марта «Советский спорт» газетаси соврини учун мусобақалашадиган бўлди. Республикамиз хоккейчилари олий ва биринчи лига командалари билан бўладиган кубок баҳсини 21 сентябрда бошлайдилар. Шу куни улар Новосибирскнинг «Сибирь» командаси билан ўйнайдилар. Эртасига Минск, 24 сентябрда эса Горький шаҳарларининг торпедочилари билан куч синашадилар. Кейинги икки ўйин «Салават Юлаев» (Уфа) ва «Динамо» (Москва) командалари билан бўлади.

ФУТБОЛ. Утган куни Европа футбол уюшмалари иттифоқи ўтказувчи уч хил кубок мусобақалари бошланди. Чемпионлар кубоги иштиёқида 28, кубок эгалари кубоги иштиёқида 32 ва УЕФА кубоги иштиёқида 64 команда яшил майдонга тушди. Утган йилги СССР чемпиони — Ереваннинг «Арарат» командаси Норвегиянинг Ставангер деб аталувчи порт шаҳрида маҳаллий «Викинг» командаси футболчилари билан куч синашдилар. Ўйин 2:0 ҳисобида арман футболчилари ғалабаси билан тугади. Москва спартакчилари ўз майдонларида УЕФА кубоги учун курашда омадларини синаб кўрдилар. Улар «Вележ» (Югославия) командаси билан учрашувда 3:1 ҳисобида устун чиқдилар. Москвалик динамочилар шу хил мусобақани Швецияда «Эстерс» командаси билан бошлашди. Бунда швед футболчилари ғалаба (3:2) қилдилар. Киев динамочилари эса ўз майдонларида ЦСКА «Септемврийско знаме» (София) командаси билан учрашиб, кубок эгалари кубоги нимчорак финалида қатнашиш йўлида дастлабки ғалабани (1:0) қўлга киритдилар. Бу командаларнинг такрорий учрашувлари 2 октябрда бўлади.

ДЗЮ-ДО. Бразилияда ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. 23 мамлакатдан тўпланган ёш полвонлар беллашувлари ниҳоятда кескин ўтди. СССР терма командаси аъзолари Рио-де-Жанейродан битта олтин ва иккита бронза медаль олиб қайтдилар. Ярим оғир вазнли Виктор Бетанов турнирда мағлубиятсиз мусобақалашди. Тбилисилик Т. Хубулури ва майкоплик А. Спиров бронза медаль билан тақдирландилар.

ҚИЛИЧБОЗЛИК. Тошкентдаги «Ёшлик» манежида Узбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун анъанавий мусобақалар давом этмоқда. Латвия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Украина командалари ҳам иштирок этаётган мазкур мусобақада хотин-қиз рапирачилар ўртасидаги баҳс тошкентлик Н. Николаева ғалабаси билан тугади. Эркак қиличбозлар «жанги»да эса, тошкентлик Н. Маҳмудов биринчи, латвиялик В. Левченко иккинчи ўринни олдилар.

ШАҲМАТ. Тож даъвогарлари ўртасидаги финал матч-учрашувида биринчи партия дуранг бўлганди. Иккинчи партияда эса оқда ўйнаган Анатолий Карпов 27-юришдан кейин ғалабага эришди.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ ҲАЙДАШ. Москвада спортнинг ана шу тури бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентлик Николай Иошченко бир кишилик байдаркада минг метрга қайиқ ҳайдашда маррага биринчи бўлиб келиб, чемпионатнинг олтин медалини олди. Тошкентлик армиячи Виктор Кисельков эса икки кишилик каноэда иккинчи ўринни эгаллади.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эзлонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Р. 03744. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 220.